


ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТИЗИМЛАРДА СУВНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ХИЗМАТИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



Гидромелиоратив тизим

Гидромелиоратив тизим - ўсимликларнинг ривожланиши учун зарур бўлган сув, иссиқлик, озуқа тартиботларини таъминлаб берувчи инженерлик иншоотлари мажмуи.



Сув сарфини аниқлашнинг умумий шартлари

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг бош мезони – **сувнинг хисоб-китобини** унинг биринчи манъбаи (сув омбори, дарё ва хоказолар) дан, то бевосита истеъмолчи (фермер даласи) гача туғри юритишдир.

Сувни тақсимлаш ва бошқаришни самарали **маданиятли-адолатли** услубини амалга ошириш учун аниқ **сув ўлчаш имконият**ларига эга бўлишимиз керак.

Сув омборидан магистрал каналларгача, магистрал каналлардан хужаликлараро каналларгача, хужаликлараро каналлардан ҳар бир қулоқларгача сувни аниқ миқдорини билишга, ўлчай олишга эришсак, кўзлаган мақсадга эришимизни кафолатлаймиз.

Сувни ҳисобга олиш воситалари қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

Сув ўлчагичлар – регуляторлар - ростловчи гидротехника иншооти. Унинг конструкцияси таркибига сувни ҳисобга олувчи асбоблар – датчиклар ва ростловчи жиҳозлар- затворлар киради.

Сув ўлчаш иншоотлари - транзит сув сарфларини ҳисобга олиш мосламалари уларга сув ташламалари, новлар, бўсагалар, учликлар (насадкалар) ва бошқа сув ўлчаш мосламалари киради

Тарировка қилинган иншоотларга – бириктирувчи (сопрягающие), ташлаб юборувчи, ростловчи ва бошқа гидротехника иншоотлари киради.

Пропорционал сув бўлувчилар - (махсус иншоотлар ва мосламалар) оқиб келаётган сувни тегишли ёки белгиланган пропорция (нисбат) бўйича бўладилар.

Сувни ҳисобга олиш ва тақсимлаш воситари гуруҳлари:

Кўрсатувчи асбоблар-(индикаторлар) саноқни кўрсатувчи асбобларда ўлчанган миқдорни қайд этади. Улар кенг тарқалган бўлиб, саноқни кўрсатувчи ва ўзи ёзгич(индикаторли сув сатҳини ўлчагич,сув сарфини кўрсатгич ва б.) жиҳозларни ўз ичига олади.

Интегралаштирувчи-(яхлитлаб кўрсатувчи) асбоблар маълум бир вақт оралигидаги ўлчанаётган параметрнинг йиғинди миқдорини берадилар. Уларга сув ҳисоблагичлар, гидрометрик роторли оқим ўлчагичлар, электромагнитли сарф ўлчагичлар ва бошқалар киради.

Гидрологик станция

- маълум ходимлар штатига эга бўлган давлат ташкилоти

Гидрологик пост

- маълум талабларни ҳисобга олиб, дарё ёки бошқа сув объектининг тегишли қисмида кузатиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш мақсадида танланган, махсус қурилмалар билан жиҳозланган жой

Станция ва постлар турлари

Метеорологик

Аэрологик

Гидрологик

Денгиз гидрометеорологик

Гидрологик станция ва постларнинг разрядлари

Гидрологик станциялар

I-разрядли гидрологик станцияларда сув объектларининг гидрологик режими элементлари тўла ўрганилади,


II-разрядли гидрологик станциялар сув объектларида тўғридан-тўғри ўлчаш ишларини амалга оширади ва маълумотларни қайта ишлайди

Гидрологик постлар

I разрядли гидрологик постларда сув режимининг барча элементлари бўйича кузатиш, ўлчаш ишлари олиб борилади

II разрядли гидрологик постлар ҳам I разрядли гидрологик постлар каби иш олиб боради. Уларда сув ва оқизиклар сарфи ўлчанмайди

III разрядли гидрологик постларда сув сатҳи, музлаш ҳодисалари, сув ҳарорати белгиланган муддатларда кузатилади



Гидрологический пост 1 разрядли гидрологик послар



Автоматлаштирилган гидрологик пост

Сув ўлчаши жойларини танлашдаги талаблар

Дарёларда

Дарё ўзани тўғри чизиқли йўналишида бўлиши

Дарё бир ўзанда яъни шаҳобчалар ва қултиқларга бўлинмасдан оқишлиги

Саёзликлар ва сувнинг турғун ҳолати бўлмаслиги

Каналларда


Канал ўзани тўғри чизиқли йўналишида бўлиши

Каналнинг ушбу қисмидаги нишаблиги унинг ўртача нишаблиги билан бир хил бўлиши

Канал кўндаланг кесимининг кўриниши тўғри геометрик шаклда ва мустақкам, ҳар хил ўтлардан тоза бўлиши

Юқори ва патски бьефда оқимига таъсир этувчи иншоотлар бўлмаслиги.

Гидропостларнинг жойлашиш схемаси



Сув объектларидаги гидрометрик ишларнинг таркиби

- Гидрологик станция ва постларни жиҳозлаш;
- Чуқурлик ўлчаш ишлари;
- Сув сатҳи кузатиш;
- Сув сатҳи нишаблигини кузатиш;
- Ҳарорат режимини ўрганиш;
- Оқизиқлар оқими ва ҳажмини аниқлаш;
- Оқизиқларнинг механик таркибини аниқлаш;
- Сувнинг ранги, тиниқлиги, зичлиги ва кимёвий таркибини кузатиш.

СУВНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВОСИТАЛАРИНИ ТАНЛАШ ШАРТЛАРИ

Нишаблик ва сув оқимининг тартиби	Сув таркибининг характеристикаси	Максимал сув сарфи Q, м ³ /с	
		0,5 гача	0,5-1,0
Нишаблик катта ва ўртача, сув оқими – барқарор	Лойқалик даражаси 1,0 кг/м ³ гача	ТВ, ЧВ, СЎН, ЎЎ	СЎН, ЎЎ
	Лойқалик даражаси 1,0 кг/м ³ дан кўп, сув - ифлос	СЎН, ЎЎ	СЎН, ЎЎ
Нишаблик ўртача ва кичик, сув оқими – беқарор	Лойқалик даражаси 1,0 кг/ м ³ гача	СЎН, ЎЎ	СЎН, ЎЎ
	Лойқалик даражаси 1,0 кг/м ³ дан кўп, сув - ифлос	ЎЎ	ЎЎ

Шартли белгилар:

ТВ – Томсон сув ўтказгичи; СЎН – САНИИРИ нинг сув ўлчаш нови;
 ЧВ – Чиполетти сув ўтказгичи; ЎЎ – ўзгармас ўзан.

Мустақил ишлаш учун топшириқ

Сув ўлчаш жойини бир жойдан кўчириш шартлари ва тартиблари